

сентябрь 2018

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

Сенаторлар қонунларни кўриб чиқишди

2018 йил 27–28 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар қуйидаги бир қатор қонунларни муҳокама қилишди ва маъқуллашди:

➤ «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонун (янги таҳрирда) божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, фуқаролар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг қўшимча ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган. Қонунда ходимларнинг қўшимча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари назарда тутилмоқда ҳамда хизматни ўташнинг батафсил тартиби ва шартлари белгиланган бўлиб берилмоқда;

➤ «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистон фуқароларини ҳам мамлакатимиз корхоналарида, ҳам хорижда ишга жойлаштириш имкониятларини ошириш ва кенгайтириш, давлат хизматлари ва хусусий бандлик сектори ҳамкорлиги механизмларини аниқ тартибга солиш, ишга жойлаштириш хизматларини кўрсатиш тартиби ва шартларини, шу жумладан, хусусий бандлик агентликларининг, корхоналарнинг ва иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиланган бериш назарда тутилмоқда;

➤ «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жараёнининг очиқ-ошкоралиги принципларига риоя этишга, фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг давлат органларидан мустақиллигини таъминлашга, фуқаролар йиғинларининг кадрлар салоҳиятини ва маҳалла институти фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Белгиланишича, фуқароларнинг энг кам вакиллик нормаси сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 12 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколат

муддати 2,5 йилдан 3 йилгача узайтирилмоқда;

➤ «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этишга доир фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратишга, сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, фуқаролар йиғини раисига (оқсоқолига) ўз билим ва бошқарув маҳоратларини намоён этишлари учун кўпроқ имкониятлар яратишга қаратилган;

➤ «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кўннини белгилаш тўғрисида»ги қонун. Қонунда 5 апрелни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кўни этиб белгилаш назарда тутилмоқда;

➤ «Иқтисодий муносабатлар ва тadbиркорликни ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун. Қонун билан божхона брокери сифатида фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома хусусиятига эга ҳужжатнинг, шунингдек, божхонада расмийлаштирувчи мутахассисда малака аттестати бўлиши кераклиги тўғрисидаги талабнинг бекор қилинишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда;

➤ «Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, адвокатлик фаолиятига



тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган; юридик хизмат ходими сифатида, судья, терговчи, прокурор лавозимида камида 3 йил иш стажига эга айрим тоифадаги шахсларга адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонидан иштирок этиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда;

➤ «Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун. Қонунда пенсионер Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг ортқича тўланган пенсия суммасини ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик у аниқланган санадан бошлаб кўпи билан 3 йил учун суд орқали ундирилиши белгиланади;

➤ «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги жиноий, жиноий-процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган;

➤ «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини янада такомиллаштиришга, мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтиришга ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан,

ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш бўйича ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган;

➤ «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузادиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонун. Қонун одил судловни амалга ошириш ва судлар фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини кучайтиришга қаратилган.

Сўнгра сенаторлар «Ислом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти Устави ва Тартиб-қоидаларини (Истанбул, 1999 йил 7 ноябрь, 2017 йил 7 май ҳолатидаги ўзгартиришлар билан) ратификация қилиш тўғрисида», «Ислом ҳамкорлик ташкилоти Уставига киритилган тузатишни (Абиджан, 2017 йил 10-11 июль) ратификация қилиш тўғрисида»ги, «Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларни кўриб чиқдилар. Қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда сенаторлар ваколатига қирадиган бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди. Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди. Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, мамлакатимиз ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати материаллари асосида.

Ушбу сонда:

2-БЕТ

III чорак: хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан динамикаси

7-БЕТ

хarid.uz орқали савдо: товарни олдиндан тўловсиз жўнатишимиз тўғрими?

8-БЕТ

Таътилни расмийлаштиришнинг ўзига ҳосликлари

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Жаҳон банкининг Бизнес юретишнинг қулайлиги индексида Ўзбекистон ўз позициясини яхшилади

Бу Президентнинг 21.09.2018 йилдаги «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон Фармонидан келиб чиқади.

Стратегиянинг бош мақсади мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгилловчи асосий омил сифатида инсон капитални ривожлантириш ҳисобланади.



Қуйидагилар стратегиянинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- Ўзбекистоннинг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакатига қаторига киришига эришиш;
- барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодий эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;
- илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

➤ инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш;

➤ бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

➤ мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юретиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

➤ барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш.

Стратегияни амалга ошириш асносида 34 та кўрсаткич бўйича мамлакат ўз ҳолатини жиддий равишда яхшилади, 47 та кўрсаткич бўйича эса ютуқларни баҳолаш умуман биринчи марта ўтказилади.

- Баҳолаш:
- давлат қурилиши;
 - инсон капитални ва тадқиқот фаолиятини ривожлантириш;
 - инфратузилмани ривожлантириш;
 - бозорларни ривожлантириш;
 - бизнесни ривожлантириш;
 - фан ва технологиялар;
 - ижодий натижаларни ривожлантириш соҳаларида амалга оширилади.

Хусусан, мамлакатимизда Жаҳон банкининг Бизнес юретишнинг қулайлиги индекси бўйича ўз позициясини яхшилаш режалаштирилаётир. Бунинг учун

қуйидаги кўрсаткичлар бўйича олға силжиш режалаштирилмоқда:

Кўрсаткич	2015 йилдаги позиция	2030 йил учун мақсад
Захиралаш билан ишдан бўшашиш қиймати	81,4	96,0
Бизнесни ташкил этишнинг осонлиги	89	95
Тўлов қобилиятсизлиги ечимининг осонлиги (банкотликнинг тан олиниши)	46,5	70,0
Солиқлар тўлашининг осонлиги	68,3	80,0

Жаҳон банкининг Бизнес юретишнинг қулайлиги индексида мамлакат ўрни яхшиланишига, хусусан, қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши натижасида эришилади:

➤ иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтишни ва ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган рақобатбардош бозорни шакллантириш;

➤ монополияга қарши сиёсатни, шу жумладан давлат-хусусий шериклики жорий этиш ҳисоби-га, такомиллаштириш, барча юридик ва жисмоний шахслар учун табиий монополиялар товарларидан, ишларидан ва хизматларидан камситилмаган ҳолда фойдаланиш имкониятини таъминлаш, монополист корхоналар маҳсулотларига нарх шакллантиришнинг самарали механизмларини жорий этиш;

➤ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва ички бозорни монополаштиришни бартараф этиш;

➤ 2021 йилгача давлат кадастри ишларини юретиш тўлиқ рақамлаштиришни таъминлаш ва мулкчиликни рўйхатдан ўтказиш таомилни соддалаштириш;

➤ қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқариш улушини 2025 йилга 20%дан кўп ошириш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 22.09.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Гаевой.

2018 йилнинг III чораги учун хорижий валюталар расмий курсининг Ўзбекистон Республикаси сўмга нисбатан ДИНАМИКАСИ*

Ўзгариш ойи	Ўзгариш санаси	1 Англия фунт стерлинги	1 АҚШ доллари	1 евро	1 Туркия лираси	1 Швейцария франки	1 Жанубий Корея вони	1 Япония иенаси	1 Россия рубли	1 Украина гривнаси
Июль	3	10 362,57	7 846,27	9 166,8	1 710,84	7 923,92	7,04	70,9	125,06	298,45
	10	10 378,57	7 813,42	9 176,86	1 710,69	7 894,74	7,01	70,74	124,19	296,81
	17	10 304,83	7 787,81	9 100,06	1 604,34	7 775,37	6,90	69,31	124,54	297,02
	24	10 229,01	7 789,38	9 127,6	1 625,6	7 849,03	6,91	69,93	122,82	294,72
	31	10 209,70	7 791,88	9 082,22	1 605,94	7 836,55	6,99	70,18	124,19	291,72
Август	7	10 121,86	7 783,05	9 002,65	1 531,95	7 829,24	6,93	69,96	122,96	287,52
	14	9 945,75	7 790,2	8 888,62	1 212,2	7 827,77	6,9	70,23	115,07	285,88
	21	9 949,83	7 803,79	8 925,19	1 298,04	7 837,49	6,97	70,63	115,70	281,32
	28	10 052,51	7 827,23	9 096,02	1 303,50	7 961,78	7,02	70,38	116,46	281,25
Сентябрь	6	10 165,22	7 842,93	9 097,01	1 203,27	8 097,18	7,03	70,64	116,17	277,82
	11	10 158,71	7 862,17	9 081,59	1 231,93	8 112,86	6,97	70,8	112,59	278,31
	18	10 503,76	8 039	9 347,75	1 303,07	8 310,76	7,17	71,75	118,05	285,68
	25	10 564,47	8 079,28	9 492,35	1 284,12	8 429,97	7,25	71,78	121,46	288,13

*ЎЗР Марказий банки томонидан валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловларини ҳисоблаб чиқиш учун белгиланган. Курслар МБ мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган ҳолда белгиланган.

УШБУ СОНДА	• ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ – Сенаторлар қонунларни куриб чиқишди 1-бет	• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ – Уй-жойларни ёппасига «ободлаштириш» – Битта ширкатга 17 та куратор – «Эксплуатация харажатлари» ўрнига «мажбурий бадаллар» – Тошкентда яна уй дафтарлари пайдо бўлди	– Қўшни электр энергиясини ўйирлаётганини қандай аниқлаш мумкин? 3-6-бетлар	тўғрисида жисмоний шахс билан ФХШ тузиш – Электрон тижоратда олдиндан тўлов 7-бет
	• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 2-бет		• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ – Валютада ўзаро ҳисобга олиш – Хизматларнинг давлат хариди	• КАДРЛАР БЎЛИМИ – Таътилни расмийлаштирамиз 8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МҲЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



МУНДАРИЖА:

- ✓ Уй-жойларни ёппасига «ободлаштириш»
- ✓ Битта ширкатга 17 та куратор
- ✓ «Эксплуатация харажатлари» ўрнига «мажбурий бадаллар»

- ✓ Тошкентда яна уй дафтарлари пайдо бўлди
- ✓ Қўшни электр энергиясини ўғирлаётганини қандай аниқлаш мумкин?



Долзарб мавзу

Уй-жойларни ёппасига «ободлаштириш»

Бир қатор ижтимоий лойиҳалар номидаги «обод» таърифи тобора тескари маънони англатиб бораётгани ачинарли ҳол. Буни кўпинча «ободлаштириш» фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузган ҳолда амалга оширилаётгани билан изоҳлаш мумкин. Шу йўсиндаги яна битта янгилик жорий этиладиган кўринади.



Республикаимиздаги бутун кўп квартирали уй-жой фонднинг «Obod Uy» тизими билан қамраб олиш режалаштирилмоқда. ҚХТБТ порталида муҳокама учун жойлаштирилган Президентнинг Ўзбекистондаги уй-жой фондидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори лойиҳасида шу ҳақда сўз боради. Лойиҳани ишлаб чиқувчи – УҚХ вазирлиги Ўзбекистондаги ҳар битта кўп квартирали уйни «Obod Uy» яшовчининг электрон картаси» (www.oboduy.uz) фойдаланиш харажатлари учун ҳақ тўланишини ҳисобга олувчи интеграцияланган тизимига (бундан кейин – тизим, сайт, электрон карта) мажбурий улашни таклиф этмоқда.

Таклиф этилаётган янгилик кўп уй-жой соҳаси вакиллари, шунингдек бўлажак фойдаланувчиларда ижобий таассурот уйғотмаяпти. Хужжат лойиҳасида пойтахтнинг

Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги ва Ахборот коммуникациялари вазирлиги ВМнинг 12.12.2016 йилдаги 400-сон қарори доирасида «Obod Uy» лойиҳасини муваффақиятли амалга ошираётгани айtilган. Бироқ «Норма маслаҳатчи» таҳририятига, шунингдек ижтимоий сайтларга пилот лойиҳанинг камчиликлари, унга тузатишлар киритиш зарурлиги ҳақида фуқаролардан мурожаатлар келиб тушди. Биз вазиятни жойнинг ўзида ўрганиб, шундан сўнг «Норма маслаҳатчи»нинг 7.08.2018 йилдаги 32 (681)–мавзувий сонида «Obod Uy»нинг ўзи нима эканлиги, қай мақсадда ташкил этилган, ижобий ва салбий жиҳатлари, фойдаланувчиларнинг унга ишонч билдирмасликлари сабаблари ҳақида тушуниришлар тайёрлаб, камчиликларни барта- раф этишга доир таклифлар берган эдик.

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмақлашнинг ваколатли эмас.



Моҳиятан олганда, «Obod Uy» – ХУМШ фаолияти ва уй-жой ҳақида яшовчилар учун фойдали ахборот жойлаштирилган сайт. Унинг асосий мақсади – ширкат ишининг очик-ойдинлигини таъминлаш: яшовчиларга бадал тузилмаси, жорий баланс, қарз мавжудлигини кўрсатиш. Бу ерда умумий йиғилишлар баённомалари, даромадлар ва харажатлар сметалари, ХУМШга буюртмалар, таъсис ҳужжатлари, раиснинг ҳисоботлари, кўпинча яшовчилардан яширилаётган бошқа ахборот бўлиши лозим. Буларнинг барини уйда шосмасдан ўрганиб чиқиш, уяли алоқа телефони, смартфон, компьютердан сайтга кириш, онлайн режимда бадалларни тўлаш мумкин. Қулай, очик-ошкора, фойда

келтириши шубҳасиз. Истиқболда яшовчилар ўртасида сўровлар ўтказиш, ХУМШ фаолиятини баҳолаш ва ҳатто уйни сақлашга доир муҳим масалалар бўйича онлайн-саво бериш имконияти режалаштирилмоқда. Фойдали ресурс кейин ҳам ривожланиши, уй-жой мулкдорларига ўз уйини бошқаришда иштирок этиш, ХУМШ фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконини бериш мақсулоти айланиши мумкин. Бошқа мамлакатлар амалиётидан келиб чиқилса, бундай сайтлар ахборотнинг очик-ошқоралигини таъминлаб, яшовчиларнинг умумий мол-мулкни бошқарувчиларга бўлган ишончини, тўлов интизомини, фойдалигини, уйни сақлашдан манфаатдорлигини оширади.

«Obod Uy» очик-ошқораликни таъминлай олмади

Амалиётнинг кўрсатишича, тавсия этилган «Obod Uy» версияси ваъда қилинган фойдани бермаяпти. Ушбу тажрибани татбиқ этишга ҳали эрта, лойиҳани ишлаб чиқувчилар бунга эътибор қаратишлари даркор.

1 «Obod Uy» ХУМШ фаолияти тўғрисидаги ишончли маълумотлар базасига таяниши лозим. Акс ҳолда мақсадига эришмайди, маъносини йўқотади, наф келтирмайди. Бунинг учун ширкатлар раҳбарлари уйни сақлаш ҳақида реал, шубҳа тугдирмайдиган ахборот тақдим этишлари, виждонан ишлашлари, қонунларга риоя этишлари ва улар бузилганда жавоб беришлари керак. Акс ҳолда лойиҳа муддатидан олдин жорий этилган бўлади.

2 Мирзо Улугбек вариантда тизим ХУМШ ишининг очик-ошқоралигини таъминлай олмади. Сайтда ширкат иши тўғрисидаги муҳим ҳужжатлар: раисларнинг ҳисоботлари, умумий йиғилишлар баённомалари, сметалар, ишлар режалари ва ҳ.к. мавжуд эмас. Мажбурий бадал шакллантирилишининг асоси кўрсатилмаган. Кўп ХУМШ раҳбарлари ушбу ахборотни маълум қилишдан манфаатдор эмас, сабаби ширкат ҳужжатлари тартибга солинмаган (йиғилишлар ўтказилмайди, яшовчиларни огоҳлантирмасдан кредитлар олинади, бадал миқдори асосиз оширилади ва ҳ.к.). Бошқалар сохта имзолар қўйилган қалбаки баённомаларни жойлаштирганлар. Бундай ахборот, сайтнинг ўзи наф келтирадими? ХУМШ раисларининг сайтда жойлаштирилган маълумотларнинг ишончилиги учун реал жавобгарликлари белгиланиши даркор.

3 Сайтни доимий асосда янгилаш механизми мавжуд эмас. Уйни сақлаш ҳақидаги ахборот мунтазам ўзгариб туради. Бу сайтда ўз аксини топиши керак. Мирзо Улугбек амалиётида «Obod Uy» маъмурлари (уй-жой соҳаси вакиллари) дастурчилар билан лозим даражада ҳамкорлик қилмадилар, улар лойиҳани амалга ошириш давомида доим биргаликда ишлашлари, заиф жойларни топиб, уларни тузатишлари, тизимни яхшилаш ва тақомиллаштириш устида иш олиб боришлари керак эди.

4 ХУМШ фаолияти тўғрисидаги ахборотни тезкор янгилаш учун ширкат раислари сайтга кириши учун техник имконият яратиш лозим.

5 Бўлажак фойдаланувчилар ўртасида «Obod Uy» мақсад ва вазифалари ҳақида кенг ахборот кампаниясини ўтказиш зарур.

6 «Obod Uy» онлайн режимдаги тўловларни акс эттирувчи Марказий банкнинг клиринг ҳисоб-китоб тизими билан интеграцияланмаган. Натижада фойдаланувчилар тўловни тасдиқламагунча, шахсий кабинетда тўловлар қайд этилмайди. Бу яшовчиларнинг ҳақли эътирозларини келтириб чиқармоқда.

7 Тизимда, ХУМШ аъзолари қатори, умумий мол-мулкни сақлаш учун бадал тўлайдиган, ширкат бюджетини шакллантирадиган нотурар жой мулкдорлари акс эттирилмаган.

8 «Obod Uy» фойдаланувчиларининг ХУМШ билан бевосита алоқаси йўлга қўйилмаган. «Менинг буюртманомаларим» сервис ишламаяпти.

9 Ширкатнинг бутун фаолиятига асос бўладиган энг муҳим блок – даромадлар ва харажатлар сметаси мавжуд эмас. Шахсий кабинетда ХУМШнинг қандайдир «тариф режаси» жойлаштирилган, унда дастурчилар барча ширкатлар учун бир хил маълумотларни қайд этганлар. Яъни уй-жой соҳасидан узоқ бўлган дастурчилар смета кўрсатиладиган жойга «тариф режаси» номи остидаги расмни қўйиб қўя қолганлар. Яшовчилар бу шаблон эканлигидан беҳабар. Қарама-қаршиликлар юзага келади, ХУМШ нотўғри ахборот жойлаштираётгани ҳақида шикоятлар келиб тушади. «Obod Uy» тизими амалга оширилаётган 9 ой ичида фойдаланувчилар учун муҳим бўлган ушбу блокка тузатиш киритилмади. Лойиҳа устидаги ишни якунлагач, уни ишлаб чиқувчилар ўз ҳолига ташлаб қўйган кўринади. Хомаки, тўлиқ ишлов берилмаган кўринишда УҚХ вазирлигига топширилган.

Етти миллион кимга тўланади?

Муҳокама қилинаётган ҳужжат лойиҳасида ширкат иши ҳақидаги ахборот учун таъбирий бадаллар миқдоридан 2%ини хусусий операторга бўлаш мажбурияти юклатилиши мумкинлиги жиддий эътирозга сабабчи бўлмоқда. «Ҳисоб-га олиш тизими доирасида хизматларни жорий қиланглик, хизмат кўрсатиш ва уларни тақдим этганлик учун». Қандай хизматлар, ушбу хизматлар учун шартнома қани, деган савол туғилади. Агар уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш бўйича ахборот олиш ҳақида сўз бораётган бўлса, бу

хизмат эмас, амалдаги қонунчилик билан кафолатланган қонуний ҳуқуқимиз. Ўз мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, бошқариш усулини танлаш, бу ҳақда бепул ахборот олиш ҳуқуқи. Ўз ҳуқуқимизни ушбу ахборотга сотмоқчи бўлаётганлар, бошқа усулда бепул топишимиз мумкин бўлган маълумотларни пул эвазига таклиф этмоқдалар. Бу билан қонунчиликка беписанд муносабатда бўлмоқдалар. Йўқ жойдан пул ундиришга уриналиётганга ўхшайди. Бунинг мутлақо қўллаб бўлмайд.

Ҳисоб-китоб қилиб кўрамиз

Бизнинг ХУМШда 15 та уй бор. Битта 4 қаватли уйдаги умумий мол-мулкни сақлашга ойига қарийб 2 млн сўм бадал ҳисобланади. 15 та уйда – тахминан 30 млн сўм. Лойиҳага кўра хусусий операторга ўтказишимиз керак бўлган 2% ойига 600 минг сўмни ташкил этади. Йилига эса – 7 200 минг сўмни!!! Фақат битта ширкат миқёсида салмоқли миқдор. Бутун мамлакат миқёсида-чи (республикамизда 32 мингдан ортиқ кўп квартиралар уй-жой борлиги ҳисобга олинса)? Қўшни уйда жойлашган ширкатимиз ҳақида ахборот (у ишончли эканлигига кафолат йўқ) олиш ҳуқуқи учун кимгадир пул тўлашимиз керак бўладими? Минтақалардаги бирглаб Интернетда ишлаётган ва ундан фойдаланиш имконига эга бўлмаганлар нима учун пул тўлайди? Фейсбукдаги «ХУМШ ва у билан қандай яшаш мумкин» гуруҳи маъмури Максим Черников Тошкентнинг ўзида ширкатларнинг операторга ҳар йили ўтказмалари 3 500 млн сўмдан ортиқни ташкил этишини ҳисоблаб чиқди. Бу аслида уйларни сақлаш учун сарфланиши керак бўлган, нўрдин сарф-харажатдан ўзга нарса эмас.

Бундан ташқари, тилга олинган 2% ХУМШ харажатларига қўшилади, бадал миқдоридан (кўп бўлмаса ҳам) акс этади. Бироқ бу масалаларни ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ҳал этиши лозим. Эҳтимол, бу ажратмалар хусусий операторга 3 йилга ажратиш таклиф этилаётган кредитни қоплаш учун сарфланар.

Буларнинг бари ХУМШ ишига ноқонуний аралашушга уриниш, бир қатор қонун ҳужжатларини, шу жумладан қандайдир хизматларни тикштиришни тақиқловчи «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни бузиш ҳисобланади.

Мамлакатдаги ҳар бир квартира эгасини пилот даражадаги синови ўзини оқламаган маҳсулотга мажбурий улаш (бу ҳам етмагандек, унга ҳақ тўлаш) таклифи норозилик, УҚХ соҳасида олиб борилаётган ислохотга ишончсизлик туғдириши мумкин. Бунда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, қонунчиликка зид қарорлар қабул қилмаслик, ўйлаб иш қилиш даркор. Яқинда жорий этилиб, ҳуқуқий асослари бўлмаганлиги учун тўхтатиб қўйилган миниб-бадаллар билан бўлган вазият такрорланмасин.

Битта ширкатга 17 та куратор

Кўп квартиралар уй-жойларни (ККУ) иситиш мавсумига тайёрлаш учун ХУМШ 17 та куратор – масъул шахсларни жалб қилишни тавсия этмоқда. ҚЎТБТ порталида жойлаштирилган Кўп квартиралар уй-жой фондини кузги-қишки даврга тайёрлаш бўйича хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун тавсиялар лойиҳасида бунинг учун жавобгар ижрочилар кўрсатилган. ХУМШ раиси (ижрочи директор)дан ташқари, булар профессионал бошқарувчи ташкилот, КТАТХ, маҳалла раиси, участка нозири, ДСИ, СЭС, ТЭТК, туман сув канали, иссиқлик таъминоти ташкилоти, тумангаз, Махсустрас инспекторлари, ХУМШ уюшмаси, округ, сектор раҳбарлари, ҳокимлик, банк вакили, бириктирилган идоралар («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ).

Тўғри, қишга жиддий тайёргарлик кўриш керак. Бунинг учун жавобгарлар сони органи сифатга ижобий таъсир кўрсатишга умид билдираимиз. 17 та куратор 17 хил кўрсатма, буйруқ, топширик, талаб, ҳисобот бермаса бўлган. Акс ҳолда ширкатлар қачон ишлайди? Шундоқ ҳам ишларига аралашганлардан безорлар. Ишдан чалғитиб,

буйруқ беришлари, босим ўтказишларидан нолийдилар. Бўйсунмаганларга текширув билан пўписа қиладилар. Ёрдамчилар ХУМШ – нотижорат ташкилот, хусусий уй-жой мулкдорларининг бирлашмаси эканлигини, уларнинг ишига аралашуш қонунчилик билан тақиқланганини унутиб қўядилар.

Мавзуй сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Шу муносабат билан савоп юзага келади: нима сабабдан Тавсияларда таклиф этилаётган ҳужжатлар пакетидоги турар ва нотурар жойлар мулкдорлари рўйхатини ХУМШ раиси ва уйбошидан ташқари банк ва солиқ инспекцияси вакили имзолашлари керак? Иситиш мавсумига уларнинг қандай алоқаси бор? Уйдаги умумий мол-мулкни текширишдаги нуқсонлар далолатномасини эса маҳалла қўмитаси раиси, округ раҳбари, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ вакили ҳам имзолаши лозим. Бошқа иловаларда ҳам худди шундай. Ҳокимият бир қатор тузилма ва идораларни жалб этган ҳолда жиддий тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқадиган қишга тайёргарлик ишининг муҳимлигига қарамай, ширкатнинг ўзигагина тегишли ҳижатлар ҳам бор. Акс ҳолда аслида ким эканлигимизни унутиб қўямиз — хусусий мулкдоримизми ёки масъул ижрочиларга тобе ижарачиларимизми?

Масъул ижрочиларнинг сони, мазмунидоги ноаниқликлар ва ортиқча жойлар қисқартирилса, Тавсиялар ширкатларга фойдали бўлиши мумкин. Кўп қаватли уйлари қишга тайёрлаш — уйдаги умумий мол-мулк сақланишини таъминлаш бўйича жуда муҳим тадбир. Уни ўтказишдан аввало жой мулкдорлари манфаатдор бўлишлари керак. Шу сабабли лойиҳада уй аҳлининг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб ўтказиладиган тадбирлар регламенти ҳам таклиф этилган. Хусусан, иситиш мавсуми якунлангандан кейин ККУни сақлаш ва коммунал хизматларни тақдим этиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш; ширкат ушбу

даврда ўтказган ишлар ҳақида уй аҳлини хабардор қилгани; раиснинг бунга сарфланган маблағлар ҳақидаги чораклик ҳисоботлари ва бошқалар юзасидан яшовчилар ўртасида сўров ўтказиш.

ХУМШга ёрдам тариқасида турли шакллар, жадваллар ишлаб чиқилган. Булар — яшовчилар учун саволнома, улар учун квартира ичидаги коммуникациялар ва жиҳозларни қишга тайёрлаш зарурлиги ҳақида билдиришнома, ХУМШ ҳисоботи, ишлар режаси, нуқсонлар далолатномаси ва ҳ.к. Қишга тайёргарлик бўйича барча тадбирлар ширкат аъзолари умумий йиғилишида қабул қилинади. Tasdiqlangan ишлар режаси маҳалла қўмитаси, ХУМШ уюшмаси ва ҳокимликка тақдим этилади.

Жуда муҳим жиҳат: бизда УКХ вазирлиги ташкил этилган. Унинг таркибиде ККУнинг ҳолати, шу жумладан уй ичидаги тизимлар: иссиқлик, сув, электр ва газ таъминотини мунтазам назорат қилиш вазифаси топширилган уй-жой инспекцияси мавжуд. Бундай инспекция ўтказиш ушбу тизимларни яхши билувчи ва, албатта, давлат ва хусусий шахсларнинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликнинг тегишли нормаларидан хабардор бўлган малакали кадрлар бўлишини тақозо этади. Бундай доимий асосда олиб бориладиган ишни, бунинг устига мавсумга тайёргарлик ёки бошқа тадбир бошланганда иш олиб боровчи ҳатто юз нафар буткул бошқа соҳа мутахассислари бажара оладиларми?



Ислохотчилар эътиборига

«Эксплуатация харажатлари» ўрнига «мажбурий бадаллар»

ХУМШ амалиётида, кўпгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва ҳатто суднинг ҳал қилув қарорларида гўё квартиралар мулкдорлари «тўлаши» шарт бўлган «эксплуатация харажатлари» тушунчаси кўп учрайди. «Эксплуатация» сўзи «кўллаш, фойдаланиш» маъноларини англатади. Кўп квартиралар уйда (ККУ) умумий мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи мулкчилик ҳуқуқи, яъни хусусий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқининг таркибий қисми ҳисобланади. Квартиралар мулкдорлари ўзларига қарашли умумий мол-мулкни «эксплуатация» қиладилар, «эксплуатация харажатлари» — аллақандай чет шахсинг эмас, уларнинг шахсий харажатлари! Шу сабабли квартира мулкдорининг эксплуатация харажатларини «тўлаш» мажбурияти ҳақида гапириш ноўрин, чунки мулкдор ўз мулкидан фойдаланаётгани учун кимгадир тўлаши керак бўлиб чиқади!

«Эксплуатация харажатлари» тушунчаси квартиралар давлат мулки бўлган, фуқаролар эса фақат квартира ижарачилари ҳисобланган утган даврлардан мерос бўлиб қолган. Улар квартира ҳақи шаклида давлатга пул тўлаганлар. Афсуски, дастлаб «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунда мулк ҳуқуқини бериш далили лозим даражада ҳисобга олинмаган ва унда «эксплуатация

харажатлари» тушунчаси мавжуд эди. Бу ширкатлар уйларда бажарилган ишлар сони ва сифатидан қатъи назар уларни тўлашни талаб қилишига олиб келди, судлар эса ушбу талабларни қаноатлантирдилар. Оқибатда кўп квартиралар уй-жой фондининг техник ҳолати сезиларли даражада ёмонлашди.

Қонуннинг иккинчи таҳририда камчилик тузатилди

Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

ва умумий мол-мулкни сақлашга «мажбурий бадаллар» тушунчаси киритилди. Унинг фарқи катта, сабаби бу кимгадир тегишли бўлмаган мол-мулкнинг «эксплуатацияси» учун ўша кимгадир ҳақ тўлаш эмас. Бу уларни олувчи фақат мулкдорнинг талабларига кўра ва унинг фойдасини кўзлаб тасарруф этиши шарт бўлган мақсадли маблағлардир.

Бу ҳолда «эксплуатация харажатлари» тушунчасидан фойдаланишда давом этилаётганлиги, бир томондан, одат тусига кириб қолган эски тушунчалардан ва улар билан боғлиқ муносабатлардан халос бўлиш мушкул эканлигидан гувоҳлик беради. Бироқ, бошқа томондан, бу мулкдор кимнингдир мулкидан фойдаланиш учун эмас, балки ўз уйида муайян ишлар бажарилиши учун пул бераётганини кимдир англай олмапти деган фикрга олиб келади. Акс ҳолда бу мулкдорларни ўз уйларида ижарачиларга айлантиришга уриниш бўлади. Хусусий мулк ҳуқуқи – мулкдорнинг ўзига тегишли мол-мулкдан ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи эканлигини белгилловчи Конституция ва қонунларнинг нормалари инкор этилган бўлади. Бу ҳолда хусусий мол-мулк – ҳам кўп квартиралар уйлардаги умумий мол-мулк, ҳам квартиралар мулкдорларининг пул маблағлари эканлиги инobatга олинмайди. Бу билан Президентнинг фуқаролар давлатга эмас, балки давлат фуқароларга хизмат қилиши керак деган талабини бажариш ўрнига амалдорлар эскича иш тутган бўладилар.

«Уйга туташ ҳудуд» ёки «ер участкаси»?

Бошқа жиддий жиҳат – квартира мулкдорининг мажбуриятлари ҳақида сўз борганда «уйга туташ ҳудуд» иборасини қўллаш. Бу ҳуқуқий тушунча эмас, балки оддий иборадир, сабаби тушунча аниқ бўлиши, уни турли талқин қилишга олиб келмаслиги белгиланган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг асосий талабларидан бирига жавоб бермайди. «Уйга туташ ҳудуд» эса ўта мавҳум ибора. Қандай ҳудуд – 5, 10, 1 000 кв.м? Ушбу ҳудуд чегаралари қаерда? Уни ким белгилайди?

Аслида Ер («уйга туташ ер участкаси») ва Уй-жой кодексларида ҳам, «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунда ҳам («ер участкаси») тушунча аниқ ва лўнда таърифланган. Ер кодексига мувофиқ «ер участкаси» – давлат ҳокимияти органининг махсус қарори билан юридик ёки жисмоний шахсга фойдаланиш учун ажратилган ер участкаси. Участка қатъий белгиланган чегараларга эга. Фойдаланиш ҳуқуқи тегишли кадастр ҳужжати билан белгиланади. Алоҳида кам учрайдиган ҳолатларни айтмаса, бунга қаерда амал қилинапти?.. Гап маҳаллий ҳокимият органлари ер участкаларини сақлаш бўйича ўз ташвишлари ва харажатларини квартиралар мулкдорлари зиммасига юкламоқчи эканлигида бўлса керак.

Фуқаролик кодексига кўра мол-мулкни сақлаш юқини унинг мулкдори кўтаради. Ер – маҳаллий ҳокимият органлари – ҳокимликлар тимсолидаги давлатнинг мулки. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ноаниқлик ер мулкдорига қўл келади ва фойда келтиради, кўп жиҳатларни ўз фойдасига талқин қилиш ва квартиралар мулкдорлари – ХУМШ аъзолари учун амалда ҳуқуқларсиз мажбурият яратиш имкони беради. Зеро қонунга кўра участка ажратилса, мулкдорлар уни ўраб олиш ҳуқуқига эга бўладилар, уларнинг ҳуқуқлари Фуқаролик кодексининг мулккий ҳуқуқлар тўғрисидаги нормалари билан ҳимояланади, ушбу участкадаги ишлар ва уни сақлаш харажатларини ўзлари белгилайдилар.

Тозаланмаган ҳудуд учун жарима солиш мумкин, аммо, аслида бу ҳудуддан қунига юзлаб йўловчилар фойдаланади. Зеро ер участкаси ажратиб берилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмагунча бу фақат давлатга тегишли умумий фойдаланишдаги ер бўлиб қолаверади! Қурилиш учун ерни бемалол ажратиш мумкин, фойдаланиш учун берилган участка билан эса бир қатор ҳуқуқий тартиб-таомилларни амалга оширишга, фойдаланишдан олиб қўйилганлиги муносабати билан фойдаланувчиларга етказилган зарарни қоплашга тўғри келади. Уйга туташ ҳудудни сақлашга мажбурий харажатларни ҳам белгилаш мумкин.

Буларнинг бари – амалдорларнинг хусусий мулк ҳуқуқини писанд қилмаслиги, кўплаб, ҳатто оғир жиноий ҳуқуқбузарликлар учун заминдир. Бировнинг мол-мулкни тасарруф қилишга қўниқиб қолганлар бу имкониятдан маҳрум қилинса, жамият ҳам, иқтисодиёт ҳам соғломлашади. Қонун ижодкорлари ХУМШ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштираётганда буни инobatга оладилар деб умид қиламиз. Қонун мавҳум ибора ва тушунчалардан фойдаланиб, исталган томонга бурса бўладиган дастак бўлмаслиги керак.

Валерий Стаховский,
уй-жой мулкдори.



Ўтмишга қайтиб

Тошкентда яна уй дафтарлари пайдо бўлди

Тошкент ИИББ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси кўп квартирали уйлар (ККУ) аҳлига деярли унутилаётган уй дафтарларини тиклашни таклиф этди. Бошқарма сайтида хабар берилишича, пойтахт аҳолисининг қулайлиги учун шундай қилинган. Уй дафтарлари ККУ учун эски тизим бўйича юритилган 4 ва 5-сон шаклдаги квартира бўйича ҳисобга олиш карточкаларининг ўрнини босиши керак.

Мазкур ташаббус прописка қилиш ва рўйхатдан чиқариш, газ, электр, сув ва иссиқлик таъминоти хизматлари, нотариат органлари ва бошқаларга ҳужжатларни тақдим этиш масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни энгиллаштиришга қаратилган.

Бугунги кунда 4 ва 5-сон шакллардан (квартира бўйича карточкалар) кўчирма олиш учун ККУда яшовчилар ҳудудий ички ишлар бўлимининг ички миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳларига мурожаат қиладилар. Бу кўп вақт бўлими, аҳолига ноқулайлик яратди, қозғоьзлик авж олади. Квартира мулкдориди уй дафтари бўлса, бундай қилишга ҳожат қолмайди – прописка қилинганлар ҳақидаги маълумотлар унга қайд этилади, – дейилади ИИББ хабарида. – Уларни нотариал материалларга тақдим этишда юзага келадиган масалалар адлия органлари билан келишилди.

Уларни китоб дўкони ёки газета киоскида сотиб олиш мумкин. Сўнг маҳалла кўмитасига мурожаат қилиш керак. У ерда квартира эгасининг яшаш манзили қайд этилади, маълумотлар муҳр билан тасдиқланади. Шундан сўнг туман ИИБ ички ишлар бўлимининг ички миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳига ушбу манзилда прописка қилинган барча оила аъзоларининг паспортлари ва тутилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари тақдим этилади, бу ерда ушбу маълумотлар уй дафтарига қайд этилади.

У квартира мулкдориди сақланади. Нотариат органлари, уй-жой коммунал хизматларга мурожаат қилганда уни тақдим этишнинг ўзи етарли. ИИББ хабарида таъкидланишича, квартира бўйича карточкаларнинг уй дафтарларига алмаштирилиши тавсия тусига эга. Квартира эгаси уни юритиш ёки юритмаслигини ўзи ҳал қилишга ҳақли.

Эслатиб ўтамиз, илгари ККУда уй дафтарлари юритилар эди. Сўнг қаердадир улар бекор қилинди, қаердадир ҳанузгача улардан фойдаланилади. 2015 йилда Тошкент ҳокими пойтахтдаги барча яшаш учун мулкжалланган кўчмас мулк

объектлари учун уларни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу барча прописка қилинган ва ККУда ҳақиқатда яшаётганлар сонини аниқлаштириш имконини бериши кўтилган эди. Ушбу мажбуриятни бажариш учун ИИББ, шаҳар ва туман ҳокимликларидан тортиб «Маҳалла» жамғармаси ва бошқаларни жалб этиш кўзланган эди. Иш якунига етказилмади. Ҳозир эса уй-жой мулкдорларида танлаш ҳуқуқи бор.

Ўтмишга қайтишимиз шартми?


Уй дафтарларини тиклаш масаласига ҳар хил муносабат билдирилмоқда. Айниқса ижтимоий тармоқларда, Уй дафтарларини жорий этиш ташаббускорларининг эътиборига лойиқ фикр-мулоҳазалар ҳам айтилмоқда.

Баъзилар куйидаги саволларни бераяптилар: «Бир йўла сопол тахталачаларга қайтиб қўя қолмаймизми? XXI асрда яшаймиз, қанақа уй дафтарлари ҳақида гапирярсиз? Шу пайтгача паспорт бўлимида манзилга оид маълумотлар қозғоьз шаклида: карточкалар, варақлар, журналлар, дафтарларда сақланаяпти. Бошқа муассасаларда ҳам қозғоьздан ҳеч воз кеча олмай, одамларни кабинетма-кабинет қатнашга, турли бўлимларда имзо тўплашга мажбур қилмоқдалар. Буларнинг барига чек қўя оладиган мақталган компьютер технологиялари, электрон ҳужжат алмашуви қаерда қолди?».

Кимдир уй дафтари кўлида бўлишини хоҳлайди. Квартира бўйича карточкаларнинг йўқотиш ҳоллари кўп учрайди, уларни тиклаш осон эмас. Баъзида уй эгаларининг хабарисиз улар яшайдиган манзилда бегона шахслар вақтинча прописка қилинган. Квартира эгалари аччиқ таърибадан келиб чиқиб, уй дафтари кўл остида бўлса, бундай ҳолатлар рўй бермайди деб ҳисоблайдилар.

Ҳар қандай компьютер дастуридаги узилтиш маълумотлар йўқотилишига ёки тизим ишламай қолишига олиб келиши мумкин.

Карточкалар ҳам, уй дафтарлари ҳам, прописка қилинган фуқароларни электрон ҳисобга олиш тизими ҳам



бўлсин, деган таклиф бор. «Кимга қайсиниси маъқул бўлса, ўшани танласин».

Паспортистка эса шундай фикр билдирган: «Карточкалардан фарқли равишда, уй дафтарлари қулайроқ. Прописка қилинганлар ҳақидаги барча маълумотлар дафтарда қайд этилган бўлади. Ўзим ушбу тизимда ишлаганман, ҳисобга олиш карточкалари билан қай йўсинда иш олиб борилганидан хабарим бор».

Хулоса ўрнида қуйидагича фикр билдирамиз: «Аллақачон замонавий технологияларга ўтиш пайти келган. Бу аҳоли учун ҳам, тезкор ва ҳаққоний

маълумотларга эга бўладиган ваколатли назорат органлари учун ҳам қулай. Яна уй дафтарлари жорий этилса, улар электрон бўлиши керак. Рўйхатдан ўтказгандан ёки ундан чиқаргандан кейин уларга автоматик равишда ахборот киритилиши керак. У турли тузилмаларнинг маълумотлар базаларида мавжуд, электрон уй дафтари унинг асосида шакллантирилиши мумкин. Бу билан одамларнинг муассасаларга қатнашига, уй эгаларининг хабарисиз кимлардир прописка қилинишига, карточкаларнинг ўқотилишига барҳам берилади».



Эҳтиёт бўлинг, зараркунанда қўшнилар!

Қўшни электр энергиясини ўғирлаётганини қандай аниқлаш мумкин?

? Қўшним бир неча йил давомида мендан электр энергиясини ўғирлаб келган. Бундан беҳабар бўлган ҳолда ўзим ва қўшним учун пул тўлаб келганман. Қўшним борадиган манзилини маълум қилмай уйдан чиқиб кетганда – ҳеч кимга даъво билдириш имкони қолмаганда бuni тасодифан билиб қолдим.

Икки хонали уйда яшаймиз. Ойига 150 кВт атрофида энергия истеъмол қиламиз. Бу кўрсаткич бирдан икки барабар ошиб кетди. Бuni ўғлим кун бўйи компьютер қаршисида ўтиришига, телевизор ҳам доим ёқиб туришига йўйибман. Дўстларим ҳайрон бўлишар: «Бизда ҳам шу аҳвол, лекин анча кам пул тўлаймиз», дейишар эди.

Уйда қўшнимни қўли гул уста, ҳамма иш қўлидан келади дейишар эди. Қўшниларнинг нимасидир бузилиб, куйиб, ишдан чиқиб қолса, доим унга мурожаат қилишар эди. У ҳаммага ёрдам берарди. Кўпинча йўлакдаги электр ичтида нималарнидир таъмирлар эди. Пробкалар отилаётганидан шикоят қилар, мен ҳам унинг фикрига қўшилар эдим. Вақт ўтди, қўшним квартирасини сотиб қўчиб кетди, унда ижарачилар яшай бошлади. Ҳисоблагичим эса ойига 300 кВт айлантираверди.

Бир кун музидан тушириш учун советкични ўчириб қўйдим. Қолган барча электр асбоблар ҳам ўчиқ эди. Тўлаш учун ҳисоблагич кўрсаткичларини қайд қилмоқчи бўлганимда у катта тезлик билан айланаётганини кўрдим. Ширкатдан электрикни чақирдим. «Қўшниларингиз сиздан электр ўғирлаётган эканлар, – деди у менга. – Мана, қаранг», – дея қўшнимнинг квартирасидан менинг индукцион ҳисоблагичимга уланган симни кўрсатди. Электрик пичоқ олиб келишни сўради, симни узди, ҳисоблагичим шу заҳоти айланишдан тўхтади. Ана сизга қўли гул уста! Уялмай-нетмай, бир неча йил давомида электр тармоғимга улашиб ўтирган. Шунча пайт ичида биронта назоратчи бuni аниқламаган. Қўшнимни топишнинг ҳеч иложи бўлмади. Даъво билдирадиган одамнинг ўзи йўқ. Ижарачилар ва квартира эгасига даъво билдирмоқчи бўлган эдим, нима ҳақда гапирётганимни тушунишмади – бундан буткул беҳабар эканлар. Фақат ўзимдан ва ишонувчанлигимдан хафа бўлишим керак эди.

Туман электр тармоқлари корхонасида қўшнилар электр энергиясини ўғирлаётгани хусусида шубҳа тугилса, қандай йўл тутиш ва қаерга мурожаат қилиш кераклигини тушунтириб бердилар.

Ҳисоблагичингизга кимдир улашиб олманини текширишнинг 5 та оддий усули

Электр энергиясини ўғирлаш усуллари талайгина. Қўшнилар сизнинг электр тармоғингизга улашиб оладиган ҳолатларга тўхталиб ўтамыз.

1 Қўшнилар электр энергиянгни ўғирлаётган ёки ўғирламаётганини аниқлашнинг энг оддий усули – ҳисоблагични диққат билан кўздан кечириш ва унга бегона сим уланганини аниқлаш.

2 Хисобга олиш прибори кўрсаткичлари тўғрилиги хусусида шубҳа туғилса, квартирадаги барча электр приборларни ўчириб, бир неча дақиқа уни кузатинг. Сизда эски **индукцион ҳисоблагич** ўрнатилган бўлса, диск айланишдан тўхташи керак. Ҳаммаси жойида бўлса, **электрон ҳисобга олиш прибори**да юклама тушаётганидан далолат берувчи нурли диод ёниб-ўчмай қўяди ва порлаб турувчи лампочка режимига ўтади. Барча электр приборлар ва чироқ ўчирилгандан кейин эски ҳисоблагич диски айланишда давом этса, электрон ҳисоблагичнинг нурли диоди ёниб-ўчаверса, квартирада сим изоляцияси шикастланган, натижада электр исроф бўлаётган, ёхуд кимдир тармогингизга ноқонуний равишда уланган бўлади.

Ваннахонада ток уряаптимиз? Қўшингизга чиқинг

Кишилар қўлинча совуткича текканда, кранни очганда, батареяга текканда ток уришидан шикоят қиладилар. Туман ЭТКда тушунтиришларча, қўшнилари батарея устуни орқали электр энергиясини ўғирлаётганда шундай бўлади. Қўшнилари ҳисоблагичида бу ҳеч ҳам акс этмайди. Бироқ ток ураверади. Бунинг устига, бундай устунлар тез ишдан чиқади, тешилади, сабаби фибрибгарлар батареянинг бир қисмидаги бўёқни ўчириб, ерга уланган симни устунга улаб қўядилар. Батареядаги кучланишни оддий индикатор отвёрткиси ёрдамида ҳам текшириб қўриш мумкин.

Қўшни сабабли ҳисоблагичда юқори кўрсаткичлар қайд этилаётганига шубҳа туғилса, нима қилиш керак

Электриклар ҳам ҳисоблагичингизга уланган олган фибрибгарни топиш ва айбини исботлаш анча мушкул эканлигини тан оладилар. Аввало ҳисобга олиш приборингиз соз ҳолатда, барча пломбалари жойида эканлигига ишонч ҳосил қилишингиз, уни мунтазам равишда давлат қиёсловидан ўтказишингиз, бу мувофиқлик сертификати билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ўғрини аниқлай олмаётган бўлсангиз, ХУМШ электригини жалб этишингиз мумкин. Электр энергиясини ўғирланаётгани юзасидан қиёсов натижаларига кўра бир неча нусхада далолатнома тузилади, уни сиз билан электрикдан ташқари бир нечта қўшни имзолайди. Далолатномага муайян даврдаги ҳисоблагич кўрсаткичларини, ҳисоблагичингиз қиёсловдан ўтказилганлигини ва соз ҳолатда эканлигини тасдиқловчи сертификат нусхасини, тўлов қвтанциялари нусхаларини илова қилинг. Электрик ўғирлаш далилини аниқласа, қўшни билан масалани ҳал қилишга уриниб кўринг. Бунинг имкони бўлмаганда туман ЭТК, прокуратура, суд, Мажбурий ижро бюросига мурожаат қилишга ҳақлисиз.

3 Ҳисоблагич электр шитдаги автоматик вилкюча-теплар ўчирилишидан қандай таъсирланаётганини текшириб кўринг.

4 Ортиқча уланган симлар бор-йўқлигини билиш учун квартирадаги барча тақсимлаш қўтилари ва розеткаларни текшириб чиқинг.

5 Электр шитдаги барча автоматларни ўчиринг. Бунда розеткада кучланиш бўлса, демак, сиздан электр ўғирлаётганлари тайин. Эски панелли уй-жой фондидаги турли квартираларнинг ёнма-ён хоналарида розеткалар оралиқ тешикларга ўрнатилган. Қўли эгри қўшнилари розеткангизга уланган олиб, сиздан электр ўғирлашлари, пулини эса сиз тўлаётган бўлишингиз мумкин.

Қўшни текширувчиларга эшигини очмаяпти. Ўғирлаётганини қандай аниқлаш мумкин?

Мажбурий ижро бюроси ва (ёки) ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили гувоҳномасини кўрсатган тақдирда, хонадондаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини соат 8.00 дан 20.00 гача ҳеч қандай қаршиликларсиз кўриш ҳуқуқига эгадир.

Уларни қўймаслик далолатнома билан расмийлаштиради, истеъмолчи у билан танишишни шарт. У далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, далолатномада бу ҳақда тегишли ёзув қайд қилинади. Рад этиш икки гувоҳ ёки маҳалла вакили томонидан тасдиқланади. Имзолашни рад этган истеъмолчи бунинг сабабини тушунтиришга ҳақли ва бу далолатномага киритилиши лозим.

Истеъмолчининг далолатномани имзолашни рад этиши уни электр тармоқларидан узиб қўйишга асос бўлади ва бу ҳақда у хабардор этилиши лозим (*Қоидаларнинг 109-банди, ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарорига 1-илова*).

Электр энергиясини ўғирлаганлик учун жавобгарлик

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчилик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табийий газни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашини, — фуқароларга ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахсларга эса — 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (*МЖТКнинг 101-моддаси*).

Шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, ЭКИХнинг 25 бараваридан 75 бараваригача миқдорда жарима ёки 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади (*ЖККнинг 185-2-моддаси*).

Валютада ўзаро ҳисобга олиш

Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 30.09.2003 йилдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган) 11-бандига мувофиқ, улар бўйича тўлов импорт қилувчининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилган бир хўжалик юртувчи субъектнинг икки ва ундан ортиқ импорт контрактлари доирасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга йўл қўйилади. Ўз миллий валютасидан конвертацияланган маблағлар ҳисобига ҳақи тўланган бўлса, импорт контрактлари бўйича ўзаро ҳисобга олишни расмийлаштириш мумкинми?

— Миллий валютани конвертация қилиш тижорат банкларидан хорижий валютани харид қилиш операцияларига киради (Низомнинг 31-банди, ВМнинг 10.07.2001 йилдаги 294-сон қарорига 2-илова).

Пул мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланади (ФКнинг 169-моддаси).

Мол-мулкни битимлар асосида қўлга киритиш мулк ҳуқуқининг вужудга келишига асос бўлади (ФКнинг 182-моддаси). Мулк деганда шу жумладан пул маблағлари тушунилади (Солиқ кодексининг 22-моддаси).

Мол-мулк олиш-сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш шартномалари ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа

битимлар асосида мулк қилиб олиниши мумкин (ФКнинг 184-моддаси 1-қисми).

Битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади (ФКнинг 101-моддаси).

Миллий валютани конвертация қилиш хорижий валютани харид қилиш бўйича битим ҳисобланади, тегишинча, у мулк ҳуқуқининг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли конвертация қилинадиган валюта маблағлари ҳисобига импорт контрактлари бўйича ўзаро ҳисоблашиш мумкин.

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига молиялаштирилаётган давлат нотижорат муассасасининг таъсис ҳужжатлари (устави) билан зарурат туғилганда экспертларни жалб этишга йўл қўйилади. Шунингдек штатда техник ходимлар йўқлиги сабабли ҳайдовчилар, фаррошлар ва бошқаларнинг хизматларига эҳтиёж туғилади. Айтиб ўтилган ходимларнинг хизматларига фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни қандай қилиб тўғри тузиш мумкин? Ташкилот бундай шартномаларни муайян муддатга беvosита тузишга ҳақлими ёки улар товарларнинг (хизматларнинг) давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилиши керакми?

Хизматларнинг давлат хариди тўғрисида жисмоний шахс билан ФҲШ тузиш

— Ҳа, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни тузиш чоғида давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг лозими.

Давлат муассасаси давлат (корпоратив) буюртмачиси ҳисобланади.

«Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуннинг амал қилиши шу жумладан давлат буюртмачиларининг хўжалик фаолиятини рўйбга чиқаришда амалга оширилаётган давлат харидларига нисбатан татбиқ этилади (Қонуннинг 1-моддаси).

Жисмоний шахс давлат хариди тартиб-таомили амалга оширилгандан кейин давлат муассасаси учун ишни (хизматларни) бажариши мумкин. Бунда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини ижро этиш учун талабгорлар сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва нerezидентлари харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиси бўлиши мумкин (Қонуннинг 17-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг ре-

зиденти деб қуйидагилар эътироф этилади:

➤ ЎзРда давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс;

➤ Ўзбекистонда доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида якунланётган ҳар қандай кетма-кетликдаги 12 ойлик давр ичида жами 183 кун ва ундан ортиқ муддат республикада турган жисмоний шахс.

Резидент учун белгиланган мезонларга жавоб бермайдиган ўзР нerezиденти деб эътироф этилади (Солиқ кодексининг 19-моддаси).

Қонун ҳужжатларининг юқорида келтирилган нормаларига кўра, давлат муассасаси жисмоний шахслар билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни тузиши чоғида бундай битимларга нисбатан давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари қўлланилади.

Экспертлар ва техник ходимларни жалб этаётганда муайян ишларни бажариш (хизматлар курсатиш) даврига муддатли меҳнат шартномаларини тузишни тавсия этамиз.

Электрон тижоратда олдиндан тўлов

Компаниямиз дори воситалари билан улгуржи савдо қилади. xarid.uz махсус ахборот порталида электрон давлат харидларини ўтказиш натижаларига кўра товарларни етказиб беришга шартнома туздиқ. Шартнома шартларига биноан буюртмачи операторнинг Молия вазирлиги Ҳазначилигидаги махсус шахсий счётига пул маблағларини (шартнома суммасининг 100%) ўтказди. Товар буюртмачига юклаб жўнатиладиган кейингина тўлов ҳисоб-китоб рақамимизга келиб тушади.

Товарни олдиндан тўловсиз юклаб жўнатишимиз далили қонунбузарлик деб ҳисобланмайдими?

Бундай шартномада штрих-код мавжуд бўлса, уни шахсий кабинетдан қозғога чиқариб олиш ва муҳлаган ҳолда иккала томоннинг имзосини қўйдириш керакми?

— Йўқ, бу қонунбузарлик бўлмайди, сабаби электрон тижоратда товарларни олдиндан тўловсиз жўнатишга рухсат берилади. Электрон шартнома қозғоғидасига тенглаштирилади.

Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар олди-сотдиси электрон тижоратдир («Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси).

Электрон тижоратдаги шартнома акцептни амалга ошириш йўли билан:

- электрон ҳужжат тарзида;
- электрон хабар тарзида;
- офертада кўрсатилган шартларни бажариш бўйича ҳаракатларни содир этиш орқали тузилиши мумкин.

Электрон тижоратдаги шартнома офертани юборган электрон тижорат иштирокчиси томонидан офертанинг акцепти олинган пайтдан эътиборан тузилган деб эътироф этилади (Қонуннинг 15-моддаси).

Электрон ҳужжатлардан битимлар тузилганлигининг далили сифатида фойдаланилиши мумкин (Қонуннинг 9-моддаси).

Юқорида санаб ўтилган нормалардан ташқари, қонун ҳужжатларида белгиланишича, ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузилган шартнома ёзма шаклда тузилган ва тарафлар томонидан имзоланган, шу жумладан тарафларнинг муҳрлари билан тасдиқланган шартномага тенглаштирилади (ВМнинг

2.06.2016 йилдаги 185-сон қарорининг 2-банди).

Тегишинча, xarid.uz махсус ахборот портали орқали белгиланган тартибда тузилган шартномани қозғога чиқариш ва муҳрлар билан тасдиқлаш керак эмас.

2018 йил 1 июлдан бошлаб электрон тижорат орқали сотиладиган товарлар (хизматлар) учун уларнинг умумий қийматидан мажбурий 15 фоизлик олдиндан тўлов тўлаш талаби бекор қилинган (14.05.2018 йилдаги ПҚ-3724-сон қарорнинг 2-банди).



Шу тариқа, бу вазиятда қонун ҳужжатлари талаблари бузилмаган.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР
Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.
Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.
СОТИБ ОЛАМАН
Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимарзон кў., 1/1.
Тел.: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Таътилни расмийлаштирамиз

... қисмларга бўлинган

Ходим меҳнат таътилининг бир қисмини – 2 кун (пайшанба ва жума) беришни сўради. Бироқ маъмурий бошқарув бўлими (МББ) ходими бу ходимга ҳисоблашда МКнинг 139-моддаси 1-қисмига мувофиқ келаётган шанбани ҳам киритишни талаб қилмоқда. Яъни, МББ ходимининг фикрича, унга 2 кун ўрнига 3 кун ҳисобланиши керак.

Ходим фақат пайшанба ва жума кунни меҳнат таътилининг бир қисмини сўраётган бўлса, МКнинг 139-моддаси 1-қисмига асосан келаётган шанбани ҳам меҳнат таътилига киритиш тўғрими?

– Йўқ, тўғри эмас. Бу ҳолда МКнинг 139-моддаси 1-қисмини қўллаб бўлмайди.

Башарти таътилнинг бошқа қисми камида 12 иш кунни бўлса, 2 кунлик меҳнат таътилининг бир қисмини беришга ҳақлиси. Бунда йиллик ҳақ тўланадиган таътил фақат ходимнинг хоҳишига кўра, иш берувчининг розилиги билан қисмларга бўлиниши мумкин, аксинча эмас (МКнинг 146-моддаси). Бироқ таътилнинг бўлинмайдиган қисмидан ортиқ қисмининг давомийлиги белгиланмаган. Шу тариқа, ходим ҳар бир қисмининг давомийлигини иш берувчи билан келишиб, таътилнинг бу қисмини ўз хоҳишига кўра бўлиб-бўлиб олиши

тақиқланмаган. Шу сабабли иш берувчи эътироз билдирмаса, ходим шанбани ҳисобга олмасдан таътилнинг бир қисмини олишга ҳақли. Бунинг устига, иш берувчи розилик берса ва таътилнинг умумий давомийлигига қараб, ходим бир неча марта 1 ва ундан ортиқ кун дам олиши мумкин.

Таътил қисмларининг ҳар бирини ходимнинг ёзма аризаси асосида иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштиришни тавсия этамиз.

Иш йили бошлангунга қадар ходим таътилни қисмларга бўлмоқчи эканлиги маълум бўлса, буни ҳам таътиллаш жадвалида назарда тутиш лозим.

Т-2 шаклидаги карточкада таътилнинг фойдаланилган кунлари ҳисобини тўғри юритиш зарур. Масалан:

Таътил тури	Ишлар даври	Кунлар сони		Жами таътил кунлари	Сана		Асос
		асосий	қўшимча		бошланган	тугаган	
1	2	3	4	5	6	7	8
меҳнат	4.01.–31.12.2018 й.	15	3	1	11.01.2018 й.		8.01.2018 йилдаги 4/2-сон буйруқ
				1	21.02.2018 й.		20.02.2018 йилдаги 21-сон буйруқ
				1	9.03.2018 й.		7.03.2018 йилдаги 29/2-сон буйруқ
				1	12.07.2018 й.		11.07.2018 йилдаги 97/1-сон буйруқ
				2	20.07.2018 й.	21.07.2018 й.	19.07.2018 йилдаги 104/3-сон буйруқ
				12			

Ушбу мисолда ходим таътилнинг бўлинмас қисми – 12 (ўн икки) иш кунидан ҳали фойдаланмагани кўрсатилган. Ундан кейин таътилни қисмларга бўлишга рухсат этилмайди, ходим бу қисмдан яхлит фойдаланиши шарт. Таътилнинг айни шу қисмини 6 кунлик иш ҳафтаси юзасидан календарь бўйича иш кун-

лари билан ҳисоблаб чиқариш зарур (МКнинг 139-моддаси), байрам ва яқшанба кунлари бундан мустасно. Ходим таътилнинг барча қисмларидан фойдаланса, унинг йиғиндиси умумий давомийлигини ташкил этиши керак, кўрсатилган давр учун таътилдан тўлиқ фойдаланилган деб ҳисобланади.

... иш ҳақи сақланмаган

Корхонада 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган. Иш берувчи ва ходим иш ҳақи сақланмаган таътилнинг (МКнинг 150-моддаси) аниқ саналарини, мисол учун, 6.08.2018 йилдан 17.08.2018 йилгача деб келишиб олдилар. Яъни жума 17.08.2018 йил таътилнинг сўнги кунни ҳисобланади.

Таътилни ҳисоблашда кейинги дам олиш кунлари – 18.08.2018 йил ва 19.08.2018 йилни киритиш ҳамда МКнинг 13-моддаси 2-қисмига таянган ҳолда ходимдан 12 кун ўрнига 14 кунни олиш тўғрими?

Иш ҳақи сақланмайдиган таътилни ҳисоблашда таътил тузаган кундан кейин келувчи дам олиш ва байрам кунлари ҳисобга олинмади?

– Йўқ, ҳисобга олинмайди.

Иш ҳақи сақланмайдиган таътил ходимнинг аризасида ва таътил бериш тўғрисидаги буйруқда кўрсатиладиган календарь кунларида ҳисоблаб чиқарилади. 2018 йил 18 ва 19 август таътилнинг кўрсатилган даврига кирмайди, сабаби таътил тузаган санадан кейин келмоқда.

Бу ҳолда иш ҳақи сақланмайдиган таътилга МКнинг 13-моддаси 2-қисмига мувофиқ ҳисобга олинмайдиган дам олиш кунлари – 11 ва 12 август киради.



Таътил ва ундан кейин келувчи дам олиш кунлари тузагандан кейинги биринчи иш кунни ходим ишга чиқадиган сана ҳисобланади.

Иш вақтини ҳисобга олиш табелида таътил кунлари иш ҳақи сақланмайдиган таътил сифатида қайд этилади, кейинги кунлар – дам олиш кунлари.

Бу ҳолда 12 календарь кунни давом этадиган иш ҳақи сақланмайдиган таътил навбатдаги меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига киритилади (МКнинг 142-моддаси).

... ишланмайдиган кунда

Ходим 2018 йил 3 сентябрдан 14 кунга таътил олиш ҳақида ариза ёзди. Бироқ 3 сентябрь ишланмайдиган кун эди.

Ходимга таътилни 2018 йил 3 сентябрдан расмийлаштириб, тўғри қилдикми?

– Ҳа, ходимнинг илтимосига кўра таътилни 2018 йил 3 сентябрдан расмийлаштириш мумкин бўлган.

Таътиллarning муддати 6 кунлик иш ҳафтаси юзасидан календарь бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади (МКнинг 139-моддаси). Бу ҳолда 2018 йилда Мустақиллик кунни шарафига дам олиш кунлари қўшимча ва байрам кунларига кўчирилишини (28.12.2017 йилдаги ПФ-5290-сон Фармон) инобатга олган ҳолда таътил давомийлигини ҳисоблаш чоғида 3 ва 4 сентябрни – шанба кунлари, 8 ва 15 сентябрни эса иш кунлари сифатида ҳисоблаш зарур эди. Таътил кунлари ҳисобидан фақат таътил бошланган кундан кейин келувчи календардаги яқшанба кунлари чиқариб ташланган.

Шу тариқа, бу ҳолда ходимга

2018 йил 3 сентябрдан 18 сентябргача меҳнат таътили берилган. Ишга чиқиш кунни – 2018 йил 19 сентябрь.

Ходимга яқшанба кунлари – 2018 йил 9 ва 16 сентябрни чегирган ҳолда 5 сентябрдан 14* иш кунига меҳнат таътили расмийлаштирилганда ҳам, бу қонунбузарлик деб саналмас эди. Бу ҳолда таътил 5 сентябрдан 20 сентябргача берилган, 21 сентябрь ишга чиқиш кунни деб ҳисобланган бўлар эди.

Биринчи ҳолатда 3 ва 4 сентябрь учун ходимга таътил кунлари сифатида ҳақ тўланган, иккинчисида – ҳақ тўланиши лозим бўлмаган ва дам олиш кунлари ҳисобланган. Биринчи ҳолатда ходим тўланган ҳақ юзасидан ютган, бироқ байрам кунларини ҳисобга олган ҳолда дам олиш кунлари умумий сони юзасидан ютқизган, иккинчисида – аксинча.

*Давомийлиги 14 иш кунни бўлган меҳнат таътили меҳнат таътилининг бир қисми ҳисобланади (МКнинг 146-моддаси), сабаби ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик меҳнат таътили берилади (МКнинг 134-моддаси).

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета НОРМА МАСЛАХАТЧИ ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.	Баш муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНОВ Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ	Адабий муҳаррир Зулфия Саидмуратовна РАХИМБЕКОВА Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА	ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, Таҳририят тел. (71) 200-00-90 Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30 E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz	Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва хабар қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; Рекламани жойлаштириш бўйича (71) 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин
--	--	---	---	---

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида тертиди ва сифоқланиди.
Нашр қўрсатилган – 186, Қўзғо бешими – А3. Ҳажми – 2 босма тўбон, баъзои қўзғоқланиган нарди.
Буюртма 412. Адади 810. Газета 2018 йил 28 сентябрь соат 18.00 да топширилди.

Газета «Lux Print» МЧЖда босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Таллимаржон кўчаси, 1/1.

ISSN 2010-5223